

**“Сувхўжаликназорат” инспекциясига юклатилган вазифа ва  
функцияларни бажариш юзасидан 2024 йилда  
амалга оширилган ишлар тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

**Амалга оширилган ишлар натижалари.**

2024 йилнинг ўтган даврида Инспекция тасдиқланган биринчи ва иккинчи ярим йиллик, ойлик иш режа асосида фаолият кўрсатди.

Жорий йил 17 июлда “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-936-сон Қонун қабул қилинди.

Қонунга мувофиқ Инспекцияга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг сувга доир 74, 75, 76-моддаларининг тегишли қисмларида назарда тутилган маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилди.

Инспекция томонидан мазкур маъмурий ишларни расмийлаштириш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиши **функцияси рақамлаштирилиб**, маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар **электрон шаклда юритилмоқда**.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 30 июля 457-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан:

1-илова “Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш даврида **фавқулодда вазият юзага келиши натижасида бошқа шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ва (ёки) мол-мулкига, шунингдек, атроф-муҳитга заарар етказилганлиги учун фойдаланувчи ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш тартиби тўғрисида”ги **Низом**;**

2-илова “Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш даврида **фавқулодда вазиятлар натижасида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган заарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида”ги **Низом**;**

3-илова **Фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинадиган гидротехника иншоотлари Рўйхати тасдиқланди**.

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидалари қайтадан кўриб чиқилиб, Сув хўжалиги вазирининг **2024 йил 4 сентябрдаги 01/21-3173-сон бўйруғи** билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

**Сувдан фойдаланишини назорат қилиш йўналишида.**

Инспекция ва унинг худудий бошқармалари томонидан жойларда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича норматив-хукукий хужжатларда белгиланган

тартибга риоя этилиши устидан давлат назорати ўрнатилиб, ўтказилган назорат тадбирларида аниқланган тартиббузарлик ҳолатлари юзасидан **909** та **баённома** ва **3904** та **далолатнома** расмийлаштирилди.